

4-1-2019

ENSURING EFFICIENT EMPLOYMENT IN LABOR MARKETS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Kh. Shadmanov

Tashkent Financial institute, 1972@gmail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Shadmanov, Kh. (2019) "ENSURING EFFICIENT EMPLOYMENT IN LABOR MARKETS: PROBLEMS AND SOLUTIONS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 25.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ENSURING EFFICIENT EMPLOYMENT IN LABOR MARKETS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Annotation: The article is dedicated to the issues of employment and the economic essence of effective employment, one of the most important indicators of intellectual capital, taking into account the specifics of labor and real structural changes in the economy. In addition, issues such as criteria for establishing effective employment between an employer, an employee, the government and an enterprise, as well as issues of the professional level of an employee are considered.

Keywords: effective employment, intellectual capital, realization of intellectual capital, criteria for effective employment.

The article is dedicated to the issues of employment and the economic essence of effective employment, one of the most important indicators of intellectual capital, taking into account the specifics of labor and real structural changes in the economy. In addition, issues such as criteria for establishing effective employment between an employer, an employee, the government and an enterprise, as well as issues of the professional level of an employee are considered. In the conditions of formation of the modern market economy, there are a number of problems in securing employment of specialists in their fields. There is also a problem with prioritizing the effective use of intellectual and labor resources. The solution of these problems necessitates a new modernization of specialists' employment, as well as the effective promotion of social protection and labor market relations. However, solving such issues is a very complex process, and a number of problems in the field of social work, such as the closure of individual enterprises, changes in demand and supply of labor, structural changes in some sectors, excessive wages, the problems that arise as a result of the collapse and other relationships complicate the process of resolving. In this process, the Labor Code of the Republic of Uzbekistan and the Law on Population Employment are important legal frameworks in the labor market formation process in the country. The legislation recognizes unemployment, the right to choose employment, guarantees of social protection against unemployment. These normative documents form an important basis for providing employment for the population. However, despite the warranty set out in the above-mentioned law and codes, in 2017, employment centers in Uzbekistan employed only 248,000 people or 16.5 percent in the previous year¹. The main reason for this is due to the widespread forms and methods of work and the formalities in solving employment problems ". The above-mentioned situation calls for a balanced development of the labor market balance and infrastructure in the country, as well as reducing the unemployment rate. At the present time in the conditions of the formation of modern market economy and innovation economy the reforms in the country aimed at the development of

¹The economy of Uzbekistan. Information and analytical bulletin. Tashkent-2018 The information bulletin was prepared with the support of Japan International Cooperation Agency. T: JICA publishing house, 2018.

investment policy and innovation-based economic activity, as well as the development of small business and private entrepreneurship, which are the locomotives of the economy, have a high intellectual potential, the demand for power is increasing. That is why it requires the development of mechanisms for the regulation of the state in the field of employment in the field of employment of workers with social security and satisfaction of their work. In general, the aforementioned circumstances and the socio-economic development of our country in line with modern conditions require the provision of effective employment of specialists in the labor market and theoretical and methodological study of regulatory mechanisms.

Effective employment is employment, which ensures the proper income, health, education and vocational level for each member of the community based on the growth of social work productivity. The Ministry of Labor and Social Protection of the Republic of Uzbekistan and the regional, city and district khokimiyats, and local self-governance bodies and the trade union system for the purpose of uniting efforts and efforts of the labor market participants to ensure effective employment of the population of the Republic of Uzbekistan a joint effort to ensure effective employment of the population should be maintained and implemented annually in the General Agreement. Effective employment is an employment opportunity that allows the economic and social well-being of the community members to be able to succeed and to maximize their labor potential.

Effective employment for the state is as follows:

- growth of national income, development of domestic production, production of necessary products for society, development of economy;
- increase in welfare of the population, increase of their professional qualifications;
- scientific-technical development in the country;
- the degree of social and economic development of the state governance and the creation of conditions for workers in enterprises.

In general, the following suggestions can be made based on the analysis: Firstly, strengthening the integration of science and education and production in the higher education system and the development of targeted programs based on the needs of modern real-estate enterprises;

Second, orientation of the population to the specialties of education, taking into account their own interests, and their employment;

Thirdly, allocating preferential loans to commercial banks through identifying entrepreneurial and entrepreneurial activities and identifying their intellectual abilities.

(Full article is available in Uzbek)

Шадманов Хайрулла Носириллаевич
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мустақил тадқиқотчиси
Shodmonov 1972@gmail.ru

МЕҲНАТ БОЗОРИДА САМАРАЛИ БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация: Мақола интеллектуал меҳнатнинг ўзига хос хусусият-ларини ва иқтисодиётдаги реал таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, интеллектуал капитални жорий этишнинг энг муҳим кўрсаткичларидан саналган бандлик масаласи ва самарали бандликнинг иқтисодий мазмуни ёритишга бағишланган. Шунингдек, иш берувчи, ходим, давлат ва корхона ўртасидаги самарали бандликни белгилаш мезонлари ходимларнинг касбий малакаси даражасига боғлиқлиги каби масалалар ўрганилган.

Таянч сўзлар: самарали бандлик, интеллектуал капитал, интеллектуал капитални ўзлаштириш, самарали бандликни таъминлаш усуллари

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОГО ЗАНЯТОСТИ В РЫНКЕ ТРУДА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Аннотация: Статья посвящается вопросам занятости и экономической сущности эффективной занятости, одного из важнейших показателей интеллектуального капитала, с учетом специфики труда и реальных структурных изменений в экономике. Кроме того, рассматриваются такие вопросы, как критерии установления эффективной занятости между работодателем, работником, правительством и предприятием, а также вопросы профессионального уровня работника.

Ключевые слова: эффективная занятость, интеллектуальный капитал, реализация интеллектуального капитала, критерии эффективной занятости.

Кириш

Замонавий бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида етишиб чиқаётган кадрларни ўз эгаллаган соҳалари бўйича бандлигини таъмин-лашда қатор муаммолар кузатилмоқда. Шунингдек, қайд этиш лозимки, интеллектуал ва меҳнат ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳам вужудга келмоқда. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш орқали кадрлар бандлигини янгича замонавий усулда таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш ва меҳнат бозори муносабатларини самарали ошириш зарурияти юзага келди. Лекин, бундай масалаларни ҳал қилиш бирмунча мураккаб жараён ҳисобланиб, ижтимоий меҳнат соҳасида муаммолар, жумладан алоҳида корхоналарнинг ёпилиши, ишчи кучига бўлган талаб-таклиф нисбатининг ўзгариши, айрим соҳа-тармоқлардаги таркибий ўзгаришлар, ишчи кучига тўланадиган иш ҳақи даражасининг ҳаддан ташқари пастлиги, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошириш ва бошқа қатор муносабатлар натижасида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишни мураккаблаштирамоқда. Бу борада мамлакатимизда меҳнат бозорини шакллантириш жараёнида

“Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида”ги қонун [1] ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси [2] муҳим ҳуқуқий база ҳисобланади. Мазкур норматив қонун ҳужжатлари ишсизлик, иш билан бандлик шаклини танлаш ҳуқуқи, ишсизликдан ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари эътироф этилган. Мазкур норматив меъёрий ҳужжатлар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Аммо, келтириб ўтилган қонун ва кодексда белгиланган кафолатга қарамай 2017 йилда “Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаби иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ” [3]. Ушбу келтириб ўтилган ҳолат мамлакатимизда меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Шунинг билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Навбатдаги муҳим вазифа - бу бандлик масаласини ҳал қилишнинг бутун тизимини тубдан ўзгартириш бўйича комплекс раҳбарияти, ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари шахсий масъулиятини оширишдан иборат” [4].

Ҳозирги кунда замонавий бозор иқтисодиёти ва инновацион иқтисодиётини шакллантириш шароитида мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсати ҳамда тармоқлардаги инновацияларга асосланган иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш ҳамда иқтисодиётнинг локомативи ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар янгича қараш ва технологияларни чуқур тушуниб етадиган интеллектуал мулк салоҳияти юқори бўлган ишчи кучига бўлган талаб ошиб бормоқда. Шунинг учун мутахассисларни ижтимоий ҳимояланган ва ўз ишидан қониқиш оладиган меҳнат билан бандлигини таъминлаш соҳасида давлатнинг меҳнат билан бандлик соҳасида янгича йўналишда тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Умуман олганда юқорида келтирилган ҳолатлар ва мамлакатимизни замонавий шарт-шароитларга мос ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилашда мутахассис кадрлар меҳнат бозорида самарали бандлигини таъминлаш ҳамда тартибга солиш механизмларини назарий ва методологик жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Охирги йилларда замонавий бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида меҳнат бозори ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича кўплаб хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бандлик сиёсати, бандликни таъминлаш, меҳнат муносабатлари ва самарали бандликнинг айрим жиҳатлари, Е.Т. Гур-вич ва Е. С. Вакуленко, С.Г.Ермолаева, Г.Н. Соколова, Под ред. Р.Г. Емцова, С.

Коммандер, Ф. Коричелли, А.И.Рофе, Б.Г.Збышко, В.В.Ишин [5]лар томонидан таҳлил қилинган.

Меҳнат бозори сифат хусусиятининг энг муҳим мезони уни инфратузилмасининг ривожланиш даражаси эканлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, таркибий қисмлари элементлари, асосий вазифалари ва функцияларининг айрим жиҳатлари борасида Қ.Х.Абдурахмонов [6] томонидан тадқиқ этилган.

Меҳнат бозори инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, уни ривожлантириш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва истиқболлаштириш услубияти ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари Ш.Р.Холмўминов, Н.У.Арабовлар [7] нинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.Мирзакаримова ва М.Хайдаровлар томонидан “Ижтимоий шериклик ва самарали бандлик” монографиясида самарали бандлик масаласи қисман ўрганилган бўлса-да, лекин олиб борилган таҳлиллар самарали бандликни асосан ижтимоий шерикчилик муносабатлари билан уйғунлаштирилган ҳолатдаги тадқиқотлар олиб борилган [8]. Алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан биз томонимиздан меҳнат бозорини тартибга солиш орқали самарали бандликни таъминлаш масаласи иқтисодчи олимлар тадқиқотларида четда қолиб кетган. Ана шу юқорида келтирилган ҳолатлар танланган мақола мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Таҳлил ва натижалар

Самарали бандлик – ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муносиб даромад, саломатлик, таълим ва касбий даражасини оширишни таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси самарали бандлигини таъминлаш бўйича меҳнат бозори иштирокчилари саъй-ҳаракатлари ва кучларини бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари тизими ўртасида аҳоли самарали бандлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган биргаликдаги ҳаракат Бош келишувини ҳар йили такомиллаштириб бориш ва амалга оширилишини таъминлаш лозим [10]. Самарали бандлик – жамият аъзолари саналган аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан уларни қаноатлантира оладиган ҳамда уларнинг меҳнат салоҳиятидан унумли фойдаланишга имкон берувчи бандликдир.


Давлат учун самарали бандлик қуйидагиларда намоён бўлади:

– миллий даромаднинг ўсиши, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг тараққиёти, жамият учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг ривожланиши;

– аҳоли фаровонлик даражасининг ошиши, уларнинг касбий малака даражасининг ортиши;

- мамлакатда илмий техникавий ривожланиш;
- иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янги иш ўринларини яратиш имкониятининг мавжудлиги;
- давлат бошқарувининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражаси ва корхоналарда ишчилар учун шарт-шароитлар яратилганлиги каби мезонлар билан белгиланади.


Шу нуқтаи назардан аҳоли бандлигини тартибга солиш усулларини қўллашни талаб этилади (1-расм).



1-расм. Аҳоли бандлигини тартибга солишнинг усуллари [9].

1-расм маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 1991 йилга нисбатан жами аҳоли сонига нисбатан меҳнат ресурслари 49 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб эса жами аҳоли сонига нисбатан меҳнат ресурслари 59,7 фоизни, яъни ўсиш тенденцияси кузатилган.

Ўзбекистон Республикасида 1991-2017 йилларда жами аҳоли сонига нисбатан меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли сони ва иқтисодиётда банд аҳоли сонининг ўзгариш тенденциялари таҳлили амалга оширилди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида 1991-2017 йилларда жами аҳоли сонига нисбатан меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли сони ва иқтисодиётда банд аҳоли сонининг ўзгариш тенденциялари (фоизда) [11]

Худди шундай ўсиш тенденцияси жами аҳолига нисбатан иқтисодий фаол аҳоли ва иқтисодиётда банд аҳоли мос равишда ўсиш тамойилига, яъни иқтисодий фаол аҳоли 1991 йилда 39,6 фоиздан 2017 йилда 44,6 фоизга, иқтисодиётда банд аҳоли 1991 йилда 39,6 фоиздан 2017 йилга келиб 42,5 фоизга эга бўлган.




3-расм. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг ўтган йилларга нисбатан ўзгариши (фоизда) [12]

3-расм маълумотларида эса 1991 йилдан тортиб 2017 йилгача бўлган меҳнат бозорини тавсифловчи асосий индикаторларнинг ўтган йилларга нисбатан ўзгариши келтирилган бўлиб, бунда иқтисодий фаол аҳолининг меҳнат ресурсларига нисбатан ва иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳолига нисбатан ўзгариши келтирилган.

Бунадай тенденциянинг кузатилиши албатта, мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг ошишига олиб келиб, аҳоли бандлигини таъминлаш муаммосини келтириб чиқаришга сабаб бўлди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида 1991-2017 йилларда иқтисодиётдаги бандларнинг тармоқлар таркибий тузилиши динамикасини тадқиқ этиш ҳам самарали ёндашув саналади (4-расм).



4-Расм. Ўзбекистон Республикасида 1991-2017 йилларда иқтисодиётдаги бандларнинг тармоқлар таркибий тузилиши (фоизда) [13]

Чунки, 4-расмда келтирилган статистик маълумотлар ушбу кўрсаткични 2017 йилда 1991 йилга нисбатан 92,1 фоизга ўсиб 19440,8 минг кишига етганлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаол аҳоли сони 14,357 млн. кишини ёки умумий аҳолининг 44,3% ини ташкил этди. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги бандлар сони ўтган йилга нисбатан 1,7 %га ўсиб, 13,52 млн. кишига этди. Ўтган йил билан қиёслаганда, энг юқори бандлик даражаси ташиш ва сақлаш (2,6%га), молиявий ва суғурта фаолияти (2,4%), курилиш (2,1%), савдо (1,9%), яшаш ва овқатланиш (1,7%) соҳаларида қайд этилди. Бандлар умумий сониде қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (27,3%), саноат (13,5%), савдо (9,5%) ва таълим (8,2%) соҳаларининг улуши юқоридир.

Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли кичик бизнесдаги бандлар улуши ортиб бораётганлиги 78,3% ни (2016 йилда 78,2%) ташкил этганлиги билан изоҳланади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса тарзида қайд этиш лозимки, биринчидан, иш билан банд бўлганлар сонининг камайиши, иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлик таркибининг жиддий равишда ўзгариши, иш билан норасмий бандлик кўламларининг кенгайишида ўз ифодасини топади. Ушбу жараёнлар шаклланишининг қонуниятларини аниқлаш ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилашда маҳаллий миқёсдаги меҳнат ресурсларини иқтисодий тармоқлар ўртасида тақсимотини тўғри ташкил этиш, янги ташкил этиладиган корхоналарни режалаштиришда аҳоли сонига нисбатан пропорционалликни таъминлаш аҳолининг иш билан бандлигини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурларини ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир. Келтирилган вазифаларни амалга оширилиши ўз навбатида мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси 1991-2017 йиллардаги расмий статистик маълумотларга таяниб олиб борилган таҳлиллардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, аҳоли сонига мос равишда меҳнат ресурслари сони ва иқтисодиётда фаол аҳоли сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Албатта бундай ҳолат аҳоли ёш таркиби билан боғлиқ бўлиб меҳнатга лаёқатлилар сонининг ошишига омил бўлганлигини қайд этиш лозим;

учинчидан, бандлик масаласини ечишда комплекс тарзда ёндашиш, яъни бандлик дастуридан келиб чиқиб мамлакат ва ҳудудлараро ёндашишни тақозо этади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган инвестицион сиёсат шароитида қатор лойиҳалар асосида ҳудудларда корхоналар барпо этилмоқда. Бу ўз навбатида улар учун кадрлар етиштириб беришни тақозо этади. Шунинг учун барпо этилаётган замонавий корхоналар учун олий таълим муассасалари фаоллигини оширган ҳолда улар учун кадрлар етиштириш ҳамда қайта ўқитиб бериш, яъни малакасини ошириб бериш тизимини замонавий ёндашувда ташкил этиш

ЛОЗИМ.

тўртинчидан, меҳнат бозори ҳамда бандлик соҳасида гендер тенглиги эркаклар ва аёлларга мазкур бозор тақдим этадиган барча имкониятлардан (умуман олганда, маош тўланадиган меҳнат соҳасига, фаолиятнинг барча турларига, турли кўринишдаги иш жойларига ва бошқалардан) тенг фойдаланишларини таъминлашни кўзда тутати. Бунда, гендер тенглиги – фақатгина адолат масаласи ҳам, инсон ҳуқуқларига риоя қилишга тегишли бўлган муаммо ҳам эмаслигини ёдда тутиш зарур. Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган кўплаб тадқиқотларнинг кўрсатишича, аёллар билим даражасининг ошиши ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) миқдори ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд [14]. Аёл бошқарадиган оилавий даромад улушининг ошиши озиқ-овқат, болалар таълими ва уларнинг кийим-кечакларига харажатларни ошишига олиб келади ва бунда оиланинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларига кетадиган харажатлари пасаяди [15].

Умуман олганда, олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги таклифлар келтириш мумкин:

биринчидан, олий таълим тизимида фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш ҳамда реал фаолият олиб бораётган замонавий корхонлар талабидан келиб чиқиб мақсадли дастур асосида тайёрлаш;

иккинчидан, аҳоли меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўз қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда таълим мутахассисликларига йўналтириш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш;

учинчидан, аҳоли ўртасида ишбилармонлик ва тадбиркорликка йўналтирувчи тадбирларни амалга ошириш ҳамда интеллектуал қобилиятини аниқлаш орқали уларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларни ажратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонуни. (янги таҳрири) -Тошкент.: Шарқ, 1998 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. -Т.: Адолат, 1996. -256 б.

3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович, Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.34-бет.

4. Мирзиёев, Шавкат Миромонович, Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий

дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 35-36-бетлар.

5. Механизмы российского рынка труда — М. : Издательский дом. Дело. РАНХиГС, 2016. — 560 с.; Ермолаева, С. Г. Е74 Рынок труда: учебное пособие / С. Г. Ермолаева. — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2015. — 108 с.; Г.Н.Соколова Экономическая и социальная эффективность занятости в республике Беларусь: проблема баланса, Белорусский экономический журнал. 2015. № 2. С. 134–145.; Безработица, структурная перестройка экономики и рынок труда в Восточной Европе и России / Под ред. Р.Г. Емцова, С. Ком-мандера, Ф. Коричелли. - М.: ИНФРА-М, 2016. - 391 с.; Рофе, А.И., Збышко, Б.Г., Ишин, В.В. Рынок труда, занятость населения, экономика ресурсов для труда / Под ред. А.И. Рофе. - М.: МИК, 2014. – 145 с.

6. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: Мехнат. - 2009. - 512 б.

7. Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Мехнат бозори инфратузилмаси. Фқув қўлланма. –Т.: Фан ва технологиялар, 2016. 150-155 б.

8. М.Мирзакаримова, М.Хайдаров Ижтимоий шериклик ва самарали бандлик. Монография, Т.: Кўхинур нашриёти, 2014 й.

9. Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

10. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетени. Тошкент-2018 йил. Ахборот-таҳлилий бюллетень Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмагида тайёрланди. Т.: ЈСА нашриёти, 2018 йил 11-бет.

11. Альманах Узбекистан 2013. Альманах Узбекистан 2013 подготовлен при поддержке проекта ПРООН «Содействие модернизации, ускорению реформ и трансформации (СМАРТ)», Центр экономических исследований, 2013.; Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетени. Тошкент-2018 йил. Ахборот-таҳлилий бюллетень Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмагида тайёрланди. Т.: ЈСА нашриёти, 2018 йил.

12. Муаллиф томонидан Альманах Узбекистан 2013. Альманах Узбекистан 2013 подготовлен при поддержке проекта ПРООН «Содействие модернизации, ускорению реформ и трансформации (СМАРТ)», Центр экономических исследований, 2013.; Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетени. Тошкент-2018 йил. Ахборот-таҳлилий бюллетень Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмагида тайёрланди. 1995 йил маълумоти 1991 йилга нисбатан ўзгариши ҳисоб китоб қилинган. Т.: ЈСА нашриёти, 2018 йил.

13. Альманах Узбекистан 2013. Альманах Узбекистан 2013 подготовлен при поддержке проекта ПРООН «Содействие модернизации, ускорению реформ и трансформации (СМАРТ)», Центр экономических исследований, 2013.; Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетени. Тошкент-2018 йил. Ахборот-таҳлилий бюллетень Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмагида тайёрланди. Т.: ЈСА нашриёти, 2018 йил.

14. Chen, D. H. C. (2004) Gender Equality and Economic Development. The Role for Information and Communication Technologies. World Bank Policy Research Working Paper 3285, P. 28; Rubalcava, L., G. Teruel, and D. Thomas (2009) Investments, Time Preferences, and Public Transfers Paid to Women. *Economic Development and Cultural Change* 57 (3): 507–538. Attanasio, O., and V. Lechene (2002) Tests of Income Pooling in Household Decisions. *Review of Economic Dynamics* 5 (4): 720–748; Phipps, S.A., and P.S. Burton (1998) What’s Mine is Yours? The Influence of Male and Female Incomes on Patterns of Household Expenditure. *Economica* 65 (260): 599–613.

15. Dweck, E., Vianna, M. T. and da Cruz Barbosa, A. (2019) ‘Discussing the role of fiscal policy in a demand-led agent-based growth model’, *Economia*. National Association of Postgraduate Centers in Economics, ANPEC. doi: 10.1016/j.econ.2019.03.004.